

## ТОЖУДДИН АБУ БАКР АЛ-АХСИКАТИЙ АЛХЎЖАНДИЙНИНГ “ФАТАВОИ ХЎЖАНДИЙ” АСАРИ ҲАҚИДА

**Абдулвоҳид Исақов**

Наманган давлат университети  
Ўзбекистон тарихи йўналиши 2-босқич магистранти.

### АННОТАЦИЯ

*Мусулмон ренессанси, яъни, илмий-маърифий уйғониш даврига асос солган улуг аждодларимиз томонидан яратилган ва бугунги кунда ҳам маърифатли дунёни ҳайратга солиб келаётган илмий меросни ўрганиш бўйича илмий-тадқиқотлар олиб бориш, улар яратган илмий йўналишлар ва мактаблар анъаналарини давом эттириш бугунги куннинг долзарб вазифалари сирасига киради.*

***Калит сўзлар:** Ояти Карима, мусулмон ренессанси, Ислом ҳамкорлик ташкилоти, ISESCO, Имом Бухорий номидаги халқаро илмий-тадқиқот Маркази, аллома.*

### ABSTRACT

*The Muslim Renaissance, that is, the scientific heritage created by our great ancestors, which laid the foundation for the period of scientific and enlightenment awakening, and which continues to amaze the enlightened world today. Leading the way, continuing the traditions of the scientific disciplines and schools they have created is one of today's urgent tasks.*

***Keywords:** Ayat Karima, Muslim Renaissance, Organization of Islamic Cooperation, ISESCO, Imam Bukhari International Research Center, scholar.*

### KIRISH

“Биз сендан олдин ҳам фақат эр кишиларни юбориб, уларга ваҳий қилганмиз. Агар билмайдиган бўлсангиз, зикр аҳлларидан сўрангиз” (Нахл сураси 43-оёт). Ояти Каримада билмаган одам биладиган одамлардан сўрашлигини айтилмоқда. Анас ибн Молик розияллоху анхудан қуйидагича ҳадис ривоят қилинади: «Расулulloх соллalloху алайҳи васаллам: «Илм талаб қилиш ҳар бир мусулмон зиммасига фарздир», – дедилар». Имом Бухорий Аҳмад ва ибн Мажалар ривоят қилганлар.

## **MUHOQAMA VA NATIJALAR**

Мусулмон ренессанси, яъни, илмий-маърифий уйғониш даврига асос солган улуғ аждодларимиз томонидан яратилган ва бугунги кунда ҳам маърифатли дунёни ҳайратга солиб келаётган илмий меросни ўрганиш бўйича илмий-тадқиқотлар олиб бориш, улар яратган илмий йўналишлар ва мактаблар анъаналарини давом эттириш бугунги куннинг долзарб вазифалари сирасига киради. Бу борада ислом маърифати, жамият ва инсон ўртасидаги ижтимоий-ҳуқуқий муносабатлар ҳамда уларнинг ривожланишини ўрганиш муҳим аҳамият касб этади. Президентимиз Шавкат Мирзиёев айтганларидек, “Биз бутун жаҳон жамоатчилигига ислом динининг асл инсонпарварлик моҳиятини етказишни энг муҳим вазифа, деб ҳисоблаймиз. Чунки, ислом дини бизни эзгулик ва тинчликка, асл инсоний фазилатларни асраб-авайлашга даъват этади”.

Яна бир муҳим масала шундан иборатки, 2016 йилнинг 18-19 октябрь кунлари Ислом ҳамкорлик ташкилоти Ташқи ишлар вазирлари кенгашининг Тошкентда ўтган “Таълим ва маърифат–тинчлик ва бунёдкорлик сари йўл” номли 43-сессиясида Ўзбекистон раҳбари томонидан иккита муҳим илмий таклиф, яъни Самарқандда Имом Бухорий номидаги халқаро илмий-тадқиқот Маркази ва ISESCO нинг махсус кафедрасини очиш ташаббуси берилди. Тарихий аҳамиятга эга ва сессия иштирокчилари томонидан қизгин кутиб олинган ушбу таклифлар айнан аждодларимизнинг илмий асарларини чуқурроқ ўрганиш ва юртимизда ислом цивилизациясини кенг тарғиб қилиш билан боғлиқ эди.

Шуниси эътиборга лойиқки, сўнгги йилларда ислом динининг асл инсонпарварлик ғояларини кўрсатиб бериш ва жамият аъзолари орасида кенг ёйиш борасида беқиёс хизматлар қилган мовароуннаҳрлик фақиҳ ва мутафаккир алломалар ҳаёти ва улардан қолган бебаҳо илмий-маънавий меросни ўрганишга катта эътибор берилмоқда. Ана шундай алломалар сирасига бугунги кун ислом фикҳи соҳасида ўз аҳамиятини йўқотмаган Бурҳониддин ал-Марғилоний, Фахруддин Қозихон, Алоуддин ал-Косоний ва Сирожуддин ал-Ўшийлар каби ҳамда Тожуддин Абу Бакр Ал-Ахсикатий Ал Хўжандий каби фарғоналик фақиҳларни мисол келтириш мумкин. Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2018 йил 2-3 май кунлари Наманган вилоятига қилган ташриф чоғида буюк аждодларимизнинг илмий меросини тадқиқ этиш, ўрганиш масаласига алоҳида эътибор қаратди. Жумладан, Наманган заминидан етишиб чиққан диний ва дунёвий илмларда юксак даражага эришган фарғоналик аллома

Алоуддинал-Косоний номини эхтиром билан тилга олиб, у кишининг илмий-маънавий меросини чуқур ўрганиш ва халқимизга эътиборига олиб чиқиш бўйича бир гуруҳ олимларга тавсиялар берди.

Ушбу тавсиялардан келиб чиқиб, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги Фармони 3 ва 2021 йилнинг 23 июнидаги ПҚ-3080-сон «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Ўзбекистонда Ислон маданияти марказини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» Қарорларида белгиланганидек, ислон оламининг мутафаккирлари асарлари ва уларнинг бутунжаҳон цивилизацияси ривожига кўшган ҳиссаларини кўрсатиб бериш, ёш авлодни юртимиздан етишиб фақиҳлар, муҳаддис-у муфассирлар ҳаёти ва илмий мероси билан яқиндан таништириш, уларга нисбатан ҳурмат, ҳавас туйғуларини шакллантиришда мазкур магистрлик иши муайян даражада хизмат қилади. Тожуддин Абу Бакр ал-Ахсикатий ал Хўжандийнинг тўлиқ исмилари Тожуддин Абу Бакр ибн Аҳмад ал-Ахсикатий ал-Хўжандий XII асрнинг охири XIII асрнинг биринчи ярмида яшаб ижод этган фикҳ олимидир. У Ахсикатда туғилиб кейинчалик Хўжандга кўчиб кетган шунинг учун у ал-Хўжандий нисбатини ҳам олган.

Абу Абдуллоҳ Муҳаммад бин Али бин Абил Қосим бин Абир Рижъо ал Қоийдий ал Хўжандий “Фатвойи Хўжандий”нинг муаллифидир. У “Фатавойи Хўжандий” номли фикҳ илмига доир фатаволар мажмуасидан иборат тўплам ёзган. Ҳожи Халифанинг сўзларига кўра, отасининг исми Умар ибн Муҳаммад ат-Таржумонийдир. Аммо бу исм кўлёмзада берилган насабга мос тушавермайди. Броккэлманнинг сўзларига кўра, худди шу номдаги муфтий XIII аср ўрталарида Хоразмда яшаган ва 645/1247 йилларда Урганчда вафот этган.

Броккэлманнинг фикрича, “Фатовойи Хўжандий” асаридаги асосий фатволар Абу Абдуллоҳ Муҳаммад бин Али бин Абил Қосим бин Абир Рижъо ал Қоийдий ал Хўжандийгача бўлган даврда яшаб, 644/1247 йилда вафот этган уламо Тожиддин Абу Бакр ибн Аҳмад ал-Ахсикатий (туғилиш бўйича) ал-Хўжандий (яшаш жойи бўйича)га таллуқлидир. Тўплам 54 китобдан иборат. Ҳожи Халифа, бу асарни “Хўжандий фатволари”, деб аталишини ёзади.

Шариат масалаларига доир 54 китобни ўз ичига олган ушбу асарнинг XIV аср бошида кўчирилган бир неча нусхаси ҳозир Ўзбекистон Фанлар Академияси Абу Райҳон Беруний номли Шарқшунослик институтининг кўлёмзалар фондида 2392 рақам остида сақланмоқда.

Асар ва унинг муаллифи хақида берилган қисқача маълумот кўра, Асарнинг “басмала” билан бошланади. Палеографик нуктаи назардан жуда қизиқарли қўлёзма. Кўринишидан, XVIII асрда қўлёзма қайта тикланганга ўхшайди.

Саҳифалар деярли классик насхда жуда зич қилиб, Европада ишлаб чиқарилган қоғозга ёзилган, растрли, филигралли аста - секин уч шаклда ҳиллолларнинг кўпайиши тарзида битилган.

Қўлёзма санаси йўқ, лекин палеографик маълумотларга кўра, у XIV асрдан кечиктирмай қайта ёзилган, деб баҳоланади. (Балки, муаллиф ҳаёти давомида кўчирилгандир). Ушбу фатво китоби ахсикентлик аллома қаламига мансуб бўлиб жамики фикҳ масалаларини ўз ичига олган.

Асар Аллоҳ таъолога ҳамд билан бошланган. Ушбу китоб 54 бўлимдан иборат бўлиб Намоз, Рўза, Закот, Никоҳ, Разо (эмизишлик), Талок, Итоқ (қул озод этиш), Бай (савдо), Савдога вафо, Ижара, Даво, Шаҳодат (гувоҳлик), Вакола, Кафола, Ҳавола, Диёнат, Қазо (ўташ), Сулҳ, Иқрор, Ҳиба (совға), Раҳн (гарров), Шуфъа (шафъелик), Зумна (зомин), Ширкат (шириклик), Музораба (савдода шериклик), Вадя, Ория, Луқата (топиб олинган нарса), Лақит, Обок, Маъзун, Ҳжр, Икроҳ, Сайд (ов), Забойиҳ (суйишлик), Узҳия (қурбонлик), Уйубу алузҳия (қурбонликдаги айблар), Кароҳия Вақф, Музораъа (экиндаги шериклик), Либос, Ашриба (ичимлик), Ичишлик чегараси, Васият, Меросхўрлар ҳукми, Хиёнат, Минишдаги зоминлик, Диёт, Ғасб, Ҳудуд, Сирка, Сайр, вакуф китобларидан иборат нодир қўлёзлар Абу Райҳон Беруний номли қўлёзмалар фондида сақланмоқда.

Китоб ўзининг мукамаллик билан ёзилган бебаҳо асар экани келажак ёш авлодларга илмий мерос бўлиб хизмат қилади. Китобни ўрганиш давомида савол жавоб усулида ёзилганлиги ҳар бир саволга жуда аниқ ҳужжат билан жавоб берилгани кишини ҳайратга солади. Фатво китобини ўқиган одам юртимиздан қачалик буюк олимлар етишиб чиққанини гувоҳи бўлади. Айниқса, никоҳ бўлими ҳозирда ёш оилалар учун жуда катта хизмат қилади.

## **XULOSA**

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, юртимиздан чиққан етук алломалар қолдирган нодир қўлёзма асарларни ёш авлодларимиз ўрганиб унга амал қилишлари лозим. Юртбошимиз айтганларидек, тарихсиз келажак йўқ. Зеро, тарихни ўрганиш келгуси ёш авлодни ватанга муҳаббат, соф динга этиқодни мустаҳкамлайди. Ёшларга ўтган бобокалонлари қандайин билим ва илм соҳиби эканлигини, вақт қадрига етишни, умрни ғанимат билишни ўргатади. Аллоҳ

---

таъоло барча ўтган олимларимизни ўзи раҳмат этсин. Келгуси авлод вакилларига ҳам бунданда етук билим ва амални насиб этсин.

### **REFERENCES**

1. Ўзбекистон Фанлар академиясининг Шарқ қўлёзмалари тўплами. VI том. – Тошкент: Фан, 1963.-Б.449-450.
2. Қозоқов Т., Воҳидов А., Рўзинов Б. Буюкларга бешик бўлган Ахсикент ёхуд Фарғона алломалари.-Тошкент: Наврўз, 2020.-Б.35.
3. <https://naqshband.uz/makolalar/>
4. <https://kun.uz/news/2016/10/18>